



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 26 (12.337)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга 5 февраль кун Оқсаройда Швейцария Конфедерацияси, Иордания Ҳосимийлар Подшоҳлиги, Афғонистон Ислам Республикаси, Озарбайжон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган – Николая Брюль, Муҳаммад Нур Усмон Юсуф Балқар, Муҳаммад Содик Даудзай, Гусейн Кулиев ишонч ёрлиқларини топширди.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Президентимиз дипломатик ваколатхоналар раҳбарларини Ўзбекистонда шарафли ва масъулиятли вазифани бошлаётгани билан самимий кутлади ва ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлаш йўлидаги фаолиятига муваффақият тиллади.

Ўзбекистон билан Швейцария ўртасида анъанавий конструктив ва ўзаро манфаатли муносабатлар йўлга қўйилган. Икки мамлакат ҳам ўзаро алоқаларни, биринчи навбатда, савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳалардаги ҳамкорликни изчил ривожлантиришдан манфаатдор.

Ўзбекистонда бугунги кунда Швейцария капитали иштирокида тузилган 82 корхона фаолият кўрсатмоқда. Икки мамлакат ишбилармон доиралари иқтисодийнинг турли тармоқларида юқори технологик қўшма лойиҳаларни амалга оширишга қизиқиш билдирмоқда.

Николя Брюль ўзаро муносабатларни кенгайтириш учун катта имкониятлар мавжудлигини таъкидлади ва бу борада бор куч ҳамда имкониятларини ишга солишга тайёр эканлигини қайд этди.

Ўзбекистон ва Иордания турли соҳаларда, аввало Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислам ҳамкорлик ташкилоти сингари кўп томонлама тузилмалар ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорлик бўйича салмоқли тажриба тўплаган. Мулоқот чоғида сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳалардаги ўзаро алоқаларни фаоллаштиришдан икки томон ҳам манфаатдор экани таъкидланди.

Иордания элчиси Подшоҳлик раҳбарияти жаҳон молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсирларига қарамасдан ишончли тарзда барқарор ривожланаётган Ўзбекистон билан алоқаларни кенгайтиришга алоҳида эътибор бераётганини таъкидлади. Ўзбекистон изчил тараққиёт этабга ўзаро муносабатларни турли соҳаларда ривожлантиришда янги имкониятлар очиб берганини қайд этди.

Афғонистон элчиси билан суҳбат чоғида таъкидланганидек, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги тарихий дўстлик ришталари, кўп

асрлик яхши қўшничилик ва ўзаро ёрдам анъаналари бугунги кунда Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун ишончли асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий тиклашда ҳамisha муҳим ўрин тутиб келган ва тутмоқда. Ўзбекистон иштирокида Хайратон – Мозори шариф темир йўли қурилди ва ундан самарали фойдаланилмоқда, бошқа инфратузилма лойиҳалари амалга оширилди. Афғонистоннинг шимолий ҳудудларида, Кобул шаҳрига узлуксиз электр энергияси етказиб берилмоқда.

Муҳаммад Даудзай Ўзбекистоннинг Афғонистон иқтисодийни тиклаш борасидаги ёрдами Афғонистонда чуқур миннатдорлик билан қабул қилинаётганини алоҳида таъкидлади. Афғонистон Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли алоқаларни чуқурлаштиришга алоҳида аҳамият қаратаётганини, бугунги кунда мамлакатимиз иштирокида минтақавий муаммоларни конструктив ва адолатли ҳал қилишни тасаввур этиш қийин эканлигини қайд этди.

Озарбайжон Республикаси элчиси билан мулоқот чоғида Ўзбекистон — Озарбайжон ҳамкорлиги деярли барча йўналишларда изчил ва муваффақиятли ривожланаётгани таъкидланди. Мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашувлар икки томонлама ҳамкорликка доир ва жаҳон миқёсидаги долзарб масалаларни очиб муҳокама қилиш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Президентининг 2012 йил октябрь ойида Озарбайжонга расмий ташрифи савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик раванқига янги суръат бахш этди.

Гусейн Кулиев авваломбор давлатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик борасида тўплаган тажрибани янада бойитиш, мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатларига хизмат қилувчи янги қўшма лойиҳалар ва келишувларни ҳаётга изчил татбиқ этишни ўзининг элчи сифатидаги муҳим вазифаси деб билишини таъкидлади.

(ЎЗА)



Иқтисодиёт

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча тармоқларида амалга оширилаётган изчил ишловлар натижасида кўплаб замонавий ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Чилонзор туманида фаолият олиб бораётган масъулият чекланган жамият шаклидаги «Arena Holding Group» Ўзбекистон — Англия қўшма корхонаси ҳам шулар сирасига киради. 2009 йилдан фаолият кўрсатаётган қўшма корхона сифатли ва рақобатбардор қоғоз маҳсулотлари — ўқувчилар учун дафтар, расм ва умумий дафтарлар, рейтингли кундалиқлар, чизмачиликка оид жамланмалар, нуска кўчирувчи техника ва матбаачилик қоғозларини Германиядан келтирилган линиялар асосида ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Айтиш керакки, бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган матбаа корхоналари халқимизнинг дафтар, китоб ва бошқа қоғоз хом ашёсидан тайёрланадиган ўқув анжумалари бўлган талабини тўлиқ қондириб келишмоқда. Улар мамлакатимизга миллий маънавиятимизга эга бўлган турли расмлар туширилган ёзув дафтарларининг четдан кириб келишининг олдини олиш, республикамиз ўқувчи ва талабаларини миллий қадриятларимизга мос сифатли ёзув дафтарлари билан таъминлаш борасида хизмат қилишмоқда.

Қўшма корхонадаги линиялар германиялик мутахассислар томонидан ўрнатилган бўлиб, улардан фойдаланиш бўйича ўқув-тренинглари ўтказилган. Битта линия дафтар учун, иккинчиси А-3, А-4 форматдаги қоғозлар ишлаб чиқариш учун мўлжалланган.

2010 йилдан бери дафтар маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётган корхонада мактаб мавсумида икки сменада иш олиб бо-

рилади. Айнан бу мавсумда ўқувчилар учун 50 млн. дونا дафтар, 9 млн. дона умумий дафтарлар ишлаб чиқарилиб, бутун республика бўйлаб истеъмолчилар эҳтиёжи қондирилди. Корхонада ишчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Махсус иш кийимлари, дам олиш хоналари ва ошхона шулар жумласидандир.

Жорий йилда жамоада малакали ишчи-хизматчилар сафи 25 нафарга етказилди. Бу ерда ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига қўшимча иш ўринлари яратилмоқда.

Эътиборли томони, ташкил этилганидан буён, корхона қувватини, маҳсулот тури ва сифатини янада ошириш мақсадида доимий изланиш давом эттирилмоқда. Цехларнинг энг замонавий ускуналар билан жиҳозлангани юқори сифатли, харидориги маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини бермоқда.

Жамоа тadbirkorлари томонидан тайёрланаётган импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар нафақат республика бўйлаб сотилмоқда, балки МДХ давлатларига ҳам экспорт қилинган. Масалан, 2011 йилдаги ҳажми «Arena Holding Group» қўшма корхонасининг экспорт ҳажми 67 200 АҚШ долларини ташкил этди.

Ушбу корхона жорий йилда ҳам маҳсулотлар турини янада кўпайтириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги иш ўринларини яратишни режалаштирмоқда. Маҳсулотларни қўшни давлатларга экспорт қилиш юзасидан ҳам самарали режалар амалга оширилмоқда.

Зиёда РАСУЛОВА
Козим Улмасов олган сурат



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўқув-семинар ташкил этилди. Анжуман банк тизимини янада ислох этиш ва самарадорлигини ошириш бўйича қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари, давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарорлари мазмун-моҳияти, аҳамияти ва уларни амалга ошириш механизмига бағишланди.

● Наманган шаҳридаги «Намметаллстандарт» масъулият чекланган жамиятида металл қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун 700 миллион сўм миқдорда инвестиция йўналтирилди. Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхона тўғри чокли электр пайвандлаш технологияси асосида йилга 15 минг тонна турли ўлчамдаги қувурлар ишлаб чиқариш қувватига эга.

● Қарши шаҳридаги Ёшлар марказида вилоятдаги кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик корхоналарининг sanoat salohiyatini yuksaltirishga bag'ishlangan takdimot-kurgazma бўлиб ўтди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ва бир қатор ҳамкорлар томонидан ташкил этилган мазкур тadbir vo'xaga xorij texnikasi va texnologik uskunalarini kelтиришда кичик бизнес ва тadbirkorlik субъектларига беvosita амалий ёрдам бериш масаласига бағишланди.

● Термиз шаҳрида ёш фермер хўжаликлари раҳбарлари учун ўқув семинари ташкил этилди. Унда Сурхондарё вилоятида касб-хунар коллежларини битирган кўплаб йигит-қизлар фермер хўжалиқларини бошқариб, пахта, галла ва боғдорчилик маҳсулотларини етиштиришда салмоқли натижаларга эришяётганлиги таъкидланди.

ЖАҲОНДА

● Япониянинг Хоккайдо оролида жойлашган Саппоро шаҳрида анъанавий Қор фестивали очилди. Ундан ўрин олган ҳар хил ҳажмдаги жами 216 та иншоот ва ҳайкаллар қор ва яхдан бунёд этилган бўлиб, уларнинг қурилишига ҳатто мамлакат курулди кучлари бўлинмалари ҳам жалб этилди. Бунда учта майдонда япон мультфильмлари персонажлари, эртақлар қахрамонлари ва машҳур спортчилар ҳайкалларини қўриш мумкин.

● Осмонўпар иншоотларни забт этишга ихтисослашган машҳур франциялик «Ўргимчак одам» Ален Робер Куба пойтахти Гавана шаҳри марказида жойлашган 126 метрли «Гавана Либре» меҳмонхонасига ҳеч қандай хавфсизлик мосламаларисиз ярим соат давомида чиқиб муваффақ бўлди. Бу жараённи минглаб маҳаллий аҳоли ва хорижлик сайёҳлар кузатиб туришди. Таъкидлаш жоизки, 51 ёшли Ален Робер ўз фаолияти давомида бутун жаҳон бўйлаб 70 дан ортиқ осмонўпар биноларга тирмашиб чиқиб муваффақ бўлган. 2011 йилда Робер 6 соат давомида ер куррасидаги энг баландини — Дубайдаги 828 метрли «Бурж Халифа»ни забт этган.

● Япониянинг электрон жиҳозларини ишлаб чиқарувчи «Panasonic» компанияси акцияларининг нархи 17 фоизга ошди. Бунга 2012 йилнинг сўнги чоғидаги компания маҳсулотларининг савдо ҳажми ўсгани сабаб бўлди. Яъни, «Panasonic» ушбу даврда 61 миллиард иена (658 миллион АҚШ доллари) миқдорда соф фойда қўрган. Компания фаолиятида бундай ижобий кўрсаткич охириг бор 1974 йилда қайд этилган.

2013 йил — Обод турмуш йили

ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК — БОШ МАҚСАД

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасида «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» жамоат ташкилоти кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Видеомулоқот тарзида ташкил этилган тadbирда ҳокимликлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми»нинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги жамоатчилик кенгашлари вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувининг раиси А. Аҳмедов, «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» муассасаси директори А. Хўжаева ва бошқалар Президентимиз

Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, ижтимоий ташаббус ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда эканини таъкидлади.

Бу жиҳатлар «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» жамоат ташкилоти фаолиятида ҳам муҳим ўрин тутди. Ташкилот иш бошлагандан буён ўтган бир йил мобайлида унинг Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлардаги Аxborot марказларига бўлган

кўплаб муурожаатлар ижобий ҳал этилди. Кичик бизнес вакилларининг илгор гоя ва ташаббусларини ҳаётга жорий этиш учун консултив ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Таълим, соғлиқни сақлаш масканлари, маҳаллалар, зиёратгоҳлар, муқаддас қадимжоларни обод этиш, қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга оширишга катта эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Обод турмуш йили деб эълон қилинган жорий йилда ҳам бу йўналишдаги ишларни давом эттириш, янги иш ўринларини яратиш, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда «Менинг уйим — Ўзбекистон» шиори остида ободонлаштириш ойлгини ўтказиш, эҳтиёжманд, ёши улуг инсонлар ҳолидан хабар олиш, зиёратгоҳларни ободонлаштириш каби қатор хайрли ишларни бажариш кўзда тутилмоқда.

Йиғилишда «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» жамоат ташкилотининг жорий йилга мўлжалланган дастури қабул қилинди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

ҚИСҚА САТРАДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxborot хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Миллий санъат марказида рассом Темур Саъдулла-

евнинг буюк мутафаккири Алишер Навоий таваллудининг 572 йиллигига бағишланган «Эъзоз» номли кўргазмаси очилди.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон бастакорлар уюшмасида «Куй ва қўшиқ мутаносиблиги» деб номланган давра суҳбати уюштирилди.

✓ **ЭРТАГА** Олмазор туманидаги 46-мактабда «Адабиёт гулшани» мавзусида адабий-бадий кеча ўтказилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланган юрtda халқнинг турмуш даражаси ҳам юксалиб бораверади. Шу бонс мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ соҳани қўллаб-қувватлаш, ишбилармонларга катта имкониятлар яратиш йўлида кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Аввало, соҳа фаолиятини тартибга солишга хизмат қилувчи мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилди.

Бозор муносабатлари асосида ривожланаётган демократик давлатлар таърибаси чуқур ўрганилиб, юртимиз қонунларида ҳам тадбиркорлик субъектлари турли тартибли ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши мумкинлиги, шунингдек, тадбиркорлар қонун ҳужжатларида тақиқланмаган барча фаолият турлари билан шуғулланишга ҳақли эканликлари белгилаб қўйилди.

Маълумот ўрнида шунини айтиш керакки, ҳозир мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг учдан икки қисми хусусий сектор вакиллари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу эса давлатимизда тадбиркорликка юксак эътибор қаратилаётганидан далolat беради.

Халқаро таърибда шунини кўрсатадики, қайси мамлакатда тадбиркорлик субъектларига қўлай шароит яратилса, рўйхатга олиш ва тугатиш ишлари қисқа муддатларда амалга оширилса, ўша давлатнинг иқтисодига жалб этиладиган инвестиция ҳажми ҳам ортиб бораверади.

Шу муносабат билан ҳуқуқимизнинг томонидан тадбиркорлик субъектларига бир қатор имтиёзлар берилди, уларнинг давлат рўйхатидан ўтказиш тизими соддалаштирилди.

Кейинги йилларда Юртобшамиз томонидан тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларнинг бюрократик тўсиқларсиз, эмин-эркин фаолият юритишлари учун зарур шарт-шароитларни яратувчи бир қатор Қарор ва Фармонлар қабул қилинди. Биргина тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш тизими 2001–2006 йилларда уч марта қайта қўриб чиқилиб, соддалаштирилди.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августдаги 347-қарорига асосан юридик шахс сифатидаги барча тадбиркорлик субъектлари бўйича аризани қўриб чиқиб, рўйхатдан ўтказиш ёки рад этиш тўғрисидаги қарор 7 иш кунидан кечиктирмай қабул қилиниши ва тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш уларни ҳисобга қўйиш билан бир вақтда «бир йўла» принципи бўйича амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги қарори билан «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тасдиқланган бўлса, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиблари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан асосий фаолият тури лицензия талаб этадиган тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби белгиланди.

Президентимизнинг 2006 йил 24 майдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатга олиш ва ҳисобга қўйишнинг ҳабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида»ги Қарори билан тасдиқланган Низомга қўра асосий фаолият тури лицензия талаб қилмайдиган тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тизими йўлга қўйилди. Қарорда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ мурожаат 3 иш соатида ҳал этилиши, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, адлия оғзақларидан давлат рўйхатидан ўтказиш билан тўғрисидаги гувоҳнома 2 иш кунида берилиши алоҳида қайд этилди.

Юртимизда 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши, махсус давлат дастурининг қабул этилиши натижасида 2011–2012 йиллар давомида мамлакатимиздаги тадбиркорлик билан боғлиқ қонунчилик тизими тубдан либераллаштирилди. Жумладан, Президентимизнинг 2011 йил 28 мартдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатга олиш ва ҳисобга қўйишнинг ҳабардор қилиш тартиби тўғрисида» Низомга

ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қарорига асосан ҳорижий муассис тўғрисида жойдан олиниши лозим бўлган савдо реестридан кўчирмадаги 7 та талабдан 3 таси, яъни ҳорижий юридик шахсининг номи, жойлашган манзили ва ҳорижий юридик шахс номидан имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ҳақидаги маълумотлар қолдирилди. Шунингдек, тадбиркорлик субъекти томонидан таъсис ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб рўйхатга олувчи органга мурожаат қилиш ораллиғида мuddат 7 иш кунидан 1 ойгача узайтирилди ва таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар матни вақолати шахс томонидан имзоланган ҳолда тақдим этилиши белгиланди.

Президентимизнинг 2011 йил 12 майдаги «Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ қонунчиликка яна ўзгар-

Ислохотлар оқимида

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ЖАРАЁНИ ЯНАДА СОДДАЛАШТИРИЛМОҚДА

тишлар киритилди. Яъни 2011 йил 1 июндан бошлаб янги ташкил қилинаётган масъулияти чекланган ва қўшимча масъулияти жамаиятлар устав фонди (устав капитали)нинг энг кам ҳажми давлат рўйхатидан ўтиш учун ҳужжатлар тақдим этилган санада қонунчиликда белгиланган энг кам иш ҳақининг 50 бараваридан 40 бараваригача камайтирилди. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш уларнинг аризасига қўра намунавий таъсис ҳужжатлари асосида амалга оширилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияларида мазкур субъектларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўланадиган давлат бож ставкаси энг кам иш ҳақининг бир баравари микдорига белгилиниб, нотариал тасдиқланган таъсис ҳужжатларини тақдим этиш ҳақидаги талаб бекор қилинди (ҳорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ва чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар бундан мутоасно).

Президент Ислам Каримовнинг 2012 йил 16 июлдаги «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиби-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари асосида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ қонунчилик янада соддалаштирилди. Мазкур фармонларга қўра 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб рухсат беришга оид 80 та тартиб-таомил, лицензияланадиган



фаолият турларининг 15 таси, шунингдек, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш пайтида киритилиши лозим бўлган устав фондининг бир қисми шакланганини тасдиқловчи ҳужжатларни олишининг бекор қилиниши мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари сонининг кескин қўлайишига, давлатимизга киритилаётган инвестиция оқимининг ошишига хизмат қилади.

Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтаётган ҳорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг сони йилдан йилга қўлайишига ҳам тадбиркорларга яратилаётган имтиёзлар самара бераётганидан далolatдир.

Шу ўрнида қонунчиликни либераллаштиришда Ўзбекистон эришаётган ютуқлар нафақат ривожланган давлатлар қонунчилигига тенглашганини, балки баъзи соҳаларда илгарилар кетганини ҳам алоҳида эътироф этиш жоиз. Масалан, рўйхатдан ўтказиш соҳасидаги қонунчиликни олайлик. Ҳеч бир давлат қонунчилигида рўйхатдан ўтказиш ёки рад этиш тўғрисидаги қарор 3 иш соати давомида қўриб чиқилмайди. Бизда тадбиркорлик субъектларига СТIP (солиқ тўловчининг идентификацион рақами) олиб бериш ҳам рўйхатдан ўтказувчи орган зиммасига юклатилган. Бу ҳам тадбиркорлик субъекти бюрократик тўсиқ ва овозгарчиликларга дуч келишининг олдини олади. Санокли давлатларда рўйхатдан ўтиш учун тақдим қилинадиган таъсис ҳужжатлари ҳамма учун очик ҳисобланади. Бизда эса Адлия вазирлигининг ташаббуси билан даярли барча ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари вазирлик расмий сайти www.minjust.uz га жойлаштирилгани тадбиркорларнинг маблага ва вақтини тежамомда.

Тадбиркорлик субъектларига яратилаётган имтиёзлардан яна бири бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 3 октябрдаги Фармонида. Мазкур Фармонга қўра эндиликда тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтганда, унинг номи, ташкилий ҳуқуқий шакли ўзгарганда муҳр ва штамп эскизини тасдиқлаш ҳамда ташкилот тугатилганда уларнинг муҳр ва штампларини йўқ қилишни рўйхатдан ўтказувчи органнинг ўзи амалга ошириши тадбиркорлик субъектлари учун ортиқча овозгарчиликнинг олдини олишга хизмат қилади.

Ҳулоса ўрнида шунини таъкидлаш керакки, қонунчиликка киритилган мазкур ўзгартишлар мамлакатимизга кириб келаётган инвестициялар оқимининг янада қўлайишига, қўшимча иш ўринларининг яратилишига, фуқаролар турмуш даражасининг янада ошишига, жаҳон молиявий-иқтисодий инкиррозининг республикамизга таъсири янада камайтиришга хизмат қилади.

Иброҳим ТУРПУНОВ,
Адлия вазирлигининг Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси бошлиғи

МИНТАҚАМИЗ СУВ-ЭКОЛОГИЯ МУАММОЛАРИ БЕРЛИНДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Гиссен университети ҳузуридаги Халқаро тараққиёт ва атроф-муҳити тадқиқотлари Маркази (ZEU) билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда мазкур марказ профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари, аграр сийсат ва атроф-муҳитини муҳофаза қилиш бўйича экспертлар қатнашдилар.

Давра суҳбати чоғида Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти, республикада ижтимоий-иқтисодий ва сийсий-ҳуқуқий соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар тўғрисидаги маълумотлар билан бирга Ўрта Осиё минтақасининг экологик ва сув-энергетика муаммолари ҳақидаги атрофлиха ахборотлар ҳам тадбир иштирокчиларнинг эътиборига ҳавола этилди.

Давра суҳбатида Орол денгизининг қуришидан минтақа мамлакатлари орасида Ўзбекистон энг кўп зарар кўрган алоҳида қайд этилди. Шу сабабли, мустақилликнинг илк йиллариданоқ юртимизда ушбу экологик инкироз оқибатларини юмшатиш бўйича амалий чора-тадбирлар амалга оширилиши бошланган кўпчиликка маълум. Жумладан, республикамиз Оролни қутқариш халқаро жағмармаси ва Давлатлараро координацион сув ҳажа-лиги комиссияси сингари орган ва махсус жағмарлар ташкил этилишининг ташаббус-кори бўлди.

Тадбир қатнашчилари мамлакатимизда Оролбуйи генфондини ҳимоя қилиш, минтақадagi биологик хилма-хиллик, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаб қолиш, турли-туман лойиҳалар, жумладан, умумий қиймати қарийб 1,5 миллиард АКШ долларига тенг микдордаги 2011–2015 йилларга мўлжалланган Харақатлар дастурини ҳаётга татбиқ этиш орқали аҳоли учун муносиб ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни яратиш юзасидан олиб берилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги маълумотлар билан ҳам танишди.

Шу билан бир қаторда, Ўрта Осиё транс-гаравий дарёларининг юқори оқимида қури-лиши режалаштирилаётган йирик сув ин-шоотлари, жумладан, Тожикистондаги Роғун ва Қирғизистондаги Камбарота-1 гидроэлектр станцияларининг техник хавфсизлигини таъ-минлаш билан боғлиқ таҳдид ва қалтислик-лар Ўзбекистон томонида жиддий ҳавотир уйғотгани ҳам таъкидланди. Ўзбекистон Республикасининг минтақа трансгегаравий дарёларининг сув ресурсларидан оқилона ва адолатли тарзда фойдаланиш ҳамда мазкур лойиҳалар бўйича нуктаи назари тўғрисида ҳам тадбир иштирокчиларига атрофлиха маълумот-лар берилди.

Германия томонидан сув-энергетика со-ҳасида амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақидаги маърузасини тақдим этар экан, Аграр сийсат ва бозор тадқиқотлари

Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги элчихонасида «Ўрта Осиё атроф-муҳитининг муҳофазаси бўйича лойиҳалар: минтақанин сув муаммолари» мавзуга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

институтининг директори, ZEU лойиҳала-ри учун мутасадди, Гиссен университети-нинг профессори Михаэл Шмитц Ўзбе-кистон раҳбарияти ташаббуси билан Орол денгизи ҳалокатининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирларни юқори баҳолади.

Унинг сўзларига қараганда, ХХ асрнинг 50-80-йилларида минтақа сув ресурсларидан но-оқилона ҳамда пала-партишлик билан фойда-ланилиши дунёдаги энг катта ёпиқ сув ҳавза-ларидан бирининг глобал фалокатига олиб келди ва бу нафақат Ўрта Осиё, балки унга яқин жойлашган Европа минтақасининг икли-мига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. М.Шмитцнинг фикрича, Орол денгизи атро-фида юзга келган вазиат экологик муаммо бўлиши билан бир қаторда, бу ерда жойлаш-ган давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ри-вожланишига ҳаққоний таҳдид тўғримоқда.

Эксперт Гиссен университети ҳузуридаги Халқаро ривожланиш ва атроф-муҳит тадқи-қотлари Маркази томонидан турли хил давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлик-да ҳаётга татбиқ этилаётган LUCA (Land Use, Ecosystem Services and Human Welfare in Central Asia), CAWA (Regional Research Network «Central Asian Water»), CLINCA (Climate Change Network for Central Asia) сингари лойиҳалар тўғрисида маълумотларни тақдим этиш. Шун-ингдек, М.Шмитц Ўрта Осиё минтақасидаги экологик муаммолар ҳосилдор ерларнинг чўлланиши билан ҳам боғлиқлигини ва шу са-бабли Германия томони экологик хавфсизлик-ни таъминлаш соҳасидаги тадқиқотларга мо-лиявий маблағлар ажратаётганини ҳам қайд этди.

Немис эксперти томонидан таъкидлангани-дек, Халқаро ривожланиш ва атроф-муҳит тадқи-қотлари Маркази янгидаги лойиҳалар-ни амалга оширишда ўзбекистонлик ҳамкасб-лари билан шериклик алоқаларини ривожлан-тиришдан манфаатдордир. Унинг фикрича, ил-мий алмашинувлар ва ёш олимларни тайёр-лаш бўйича ҳамкорлик бу ҳақда юқори ма-лакали мутахассислар тармоқини яратиш им-конини беради, зеро, иқлим ва атроф-муҳит ўзгариши билан боғлиқ барча муаммолар пухта илмий тадқиқотлар асосида ҳал қилиноғи лозим.

Тадбир чоғида минтақамизнинг сув-эколо-гик муаммолари мавзудида «Сув – бу ҳаёт»

номли ҳужжатли фильм ҳам намойиш этилди. Давра суҳбати интиҳосида унинг иштироки-лари Ўзбекистонда амалга оширилаётган иж-тимоий-иқтисодий ва сийсий-ҳуқуқий ислохот-лар, Ўрта Осиё минтақасидаги экологик му-аммолар ва уларни бартараф этиш чоралари тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқ-лашдилар.

– Кўп йиллардан буён университетимиз минтақангиз мамлакатлари, жумладан, Ўзбе-кистон олий ўқув юртлири билан яқин шерик-лик алоқаларини давом эттириб келаётганин ҳолда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда, – деди профессор Михаэл Шмитц «Жаҳон» ахборот агентлигининг муҳбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида. – Ҳозирги пайтда ўзаро ҳамкорликда қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқдаки, мазкур лойиҳалар доирасида ат-роф-муҳитни муҳофаза қилиш, сув-энергетика ва ер ресурсларидан самарали фойдала-ниш жабҳаларида илмий тадқиқотлар олиб бо-рилмоқда. Биз ўзаро ҳамкорлик даражасидан ҳамда талабалар, олим ва ўқитувчилар алма-шувидан жуда мамнуним. Университетимиз-да Германия федерал ҳуқумати, Ташки ишлар вазирлиги, турли хил жағмарма ва нодавлат ташкилотларининг қўмағида ўзбекистонлик та-лаба ва ёш олимлар доимий равишда амали-ёт ўташмоқда. Улар сув муаммоси ва атроф-муҳит масалалари бўйича илмий фаолият бил-ан шуғулланишди. Биз Ўзбекистон билан илм-фан ва таълим соҳасида икки мамлакат халқларига хизмат қиладиган ҳамкорлик олиб борилишидан манфаатдоримиз.

– Бугунги тадбир Ўзбекистоннинг замона-вий ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сийий ҳаётига яна бир мартаба назар ташлаш им-конини беради, – деди Гиссен университети докторанти Бенедикт Цорн. – Биз мамлака-тингизнинг ўтмиши ва бугунги тараққиёти, ми-нтакавий ва умумбаشارий микёсдаги долзарб муаммоларни ҳал қилишдаги иштироки ва ил-гари сураётган ташаббуслари, шунингдек, ўзбек халқининг бой маданияти ва аънавалари билан ошно бўлди.

Аграр сийсат ва атроф-муҳит соҳасидаги бўлажак мутахассис сифатида аҳойиб мамла-катингизни ўз қўшим билан кўриш ҳамда Ўрта Осиё минтақаси билан боғлиқ илмий фаолият билан шуғулланиш иштиёқидан.

«Жаҳон» АА
Берлин

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

«КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАРДА ЖОЙЛАШГАН ХУСУСИЙ КВАРТИРАСИНИ ТУМАН ҲОКИМЛИКЛАРИ ИХТИЁРИГА ТОПШИРУВЧИ ФУҚАРОЛАРГА ЕР УЧАСТКАЛАРИ АЖРАТИШ ҲАҚИДА»ГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳри аҳолисининг турмуш дара-жасини юксалтириш, қўлай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек уй-жойлари бузилишга туш-ган фуқароларга етказилган зарарни қоплаш мақсадида, Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг мурожаат ха-тини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. «Кўп қаватли уйларда жойлашган хусусий квартирасини туман ҳокимликлари ихтиёрига топ-ширувчи фуқароларга ер участкалари ажратиш ҳақида»ги Низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлан-син ва ушбу низом расмий нашр этилган кундан бошлаб қучга кириши белгилаб қўйилсин.

2. Бузилишга тушган уй-жойлар, иморатлар, иншоотлар ва қўчирилаётган дарактлар учун тўлов микдорини ва компенсация турини белгилаш маса-ларини қўриб чиқиш комиссиясининг намуна-вий таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Ғ. Расулов), Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси (А. Тажиев), туман ҳокимликлари:

«Кўп қаватли уйларда жойлашган хусусий квартирасини туман ҳокимликлари ихтиёрига топширувчи фуқароларга ер участкалари аж-ратиш ҳақида»ги Низом асосида белгиланган ишлар ташкил этилсин.

4. Ахборот маркази, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари тахририяти: Мазкур низом асосида олиб бориладиган иш-ларни оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбоса-ри Б. Раҳмонов зиммасига юклатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими

Р. Усанов

2013 йил «30» январь

● Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Toshkent.uz сайтида танишингиз мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИНИНГ «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ – 2012» ТАНЛОВИГА МАРҲАМАТ!

Хурматли ҳам-касблар!

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сизларни «Йил-нинг энг фаол журналисти – 2012» республика танловида қатна-шишга таклиф этади.

Танловга 2012 йилнинг 1 июнидан 2013 йилнинг 1 июнигача газета ва жур-налларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатил-ган телекўрсатув ва радиоэшитиришлар қабул қилинади.

Материаллар танловга тахририят тавсия-си билан Ўзбекистон Журналистлари ижо-дий уюшмасининг Қорақалпоғистон Респуб-ликаси ва вилоятлар бўлимлари орқали жо-рий йилнинг 5 июнигача муаллифининг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълум-отлар ва паспорт нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши лозим.

«Йилнинг энг фаол журналисти – 2012» танлови ғолиблари ва совриндорларига дип-лом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ку-нига бағишлаб 27 июнда ўтказиладиган бай-рам тадбирида топширилади.

Материаллар «Йилнинг энг фаол журналисти – 2012» танловида деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри,
Навий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,
3-қават, 30, 35-хоналар.
Телефонлар: (8-371) 244-64-61;
244-64-62; 244-37-87.
www.Journalist.uz

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси тизимида бир неча корхоналар ташкил топган. Улар орасида «Ўзтемирйўлмаштабмир» унитар корхонасининг «Қуюв-механика заводи» шўба корхонаси фаолияти яхши йўлга қўйилганиги билан ажралиб туради.

Транспорт ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ФАХРИ

Мана бир неча йилдирки, бу жамоага ўз касбининг фидойиси муҳандис Баҳоидир Эшмуродов бошчилик қилиб келмоқда. У Қарши темир йўл депосида бри-гадир бўлиб фаолият кўрсатди. Дастлаб гилдрак цехи устаси, йиғув цехи катта устаси, кейин-чалик депо бошлигининг таъмир-лаш бўйича ўринбосари лавозим-ларида ишлади. Шундан кейин-ги фаолияти ҳам шу соҳа билан боғлиқ ҳолда кечмоқда. Компания-нинг «Қуюв-механика заводи» шўба корхонасида меҳнат қила-ётганига ҳам бир неча йил бўлди. Узи танлаган соҳани имкон дара-жасида ривожлантиришга ҳара-кат қилаётган қаҳрамонимиз саяй-ҳаракати билан шўба кор-хонада қатор техникавий янгилик-лар юз берди. Меҳнат жараёни-ни автоматлаштиришга ҳам эъти-бор қаратилди.

Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлининг, шунингдек, «Афросиёб», «Насаф», «Бухо-ро» тезюрар поездлари қатно-вини йўлга қўйиш бўйича те-мирйўл инфраструктура ти-зимларини тубдан таъмирлаш ишларида имкон даражасида темирйўлчи сифатида ўз ҳис-сасини қўшганлиги билан ҳам фахрланади.

Ақбар АЛИЕВ

9 февраль – Алишер Навоий таваллуд топган кун

Иждоқор шахсияти, руҳий ва фикрий дунёси, замон аҳлига муносабати, шунингдек, теран фалсафий мушоҳадалари ва ҳаётий хулосаларини билишда соқийнома лар муҳим манбадир. Мазкур жанрнинг ўзбек адабиётидаги дастлабки намунаси бўлган Навоий соқийномаси айни жиҳатдан алоҳида мавқега эга.

16 банд, 458 мисрадан иборат йирик ҳажмли мазкур шеър шоирнинг санъаткорлиги, шахсиятини юксак қирралари, қолаверси, у яшаган тарихий давр хусусиятларини янада чуқурроқ ва кенг-роқ билишга имкон беради. Соқийномада автобиографик моҳият устунлик қилади, унда марҳумлар хотираси, замон ва инсон қисмати орасидаги зиддиятлардан ҳам баҳс юритилган. У ҳаётга ниҳоятда яқинлиги, қаҳрамонларнинг маълум бир тарихий давр ва замонга мансублиги, воқеа-ҳодисаларнинг ёрқин акс эттирилиши билан ҳам характерли. Соқийномадаги мулоҳазалар шоир таъқирисидидаги маълумотлар билан қиёбланса, таърифланаётган қаҳрамоннинг фаолияти ва шахсияти ҳақидаги қарашларни бойитади.

Соқийноманинг ҳар бир банди бевоқифа соқийга мурожаат билан бошланган. Мазкур байтларда асар мундарижасида унинг мазмунига ишора қилувчи воситаларни келтириш санъати (бароати истихлол) таносуб билан уйғун тарзда келади. Соқийномадаги образ, тилсол ва истилоҳлар тарихий қаҳрамонларнинг шахсияти, руҳий-маънавий дунёсини билишда ҳам ўзига хос вазифа бажаради. Унда шоирнинг яқинлари, устозлари, шунингдек, қаламкаш дўстлари ҳақида айтган фикрлари ҳам беқийс аҳамиятга эга. Шулардан бири Саййид Ҳасан Ардашердир.

Маълумки, Навоий ва Саййид Ҳасан Ардашернинг самимию, дўстона муносабатлари ҳар қандай давр учун ибрат бўла оладиган ҳодисадир. «Фаройиб ус сигар»даги мактубида шоир ўзини бу зотга «шоғирду фарзандмен» деб тилга оларкан, уни «Вафо анга пеша, саҳо анга фан, Вафому саҳо кони Саййид Ҳасан» дея улуғлайди. Хотира-ёдномани характер

ридаги асаридан ҳам унинг тарикат йўлида ўзига устоз эканлигини айтиб, «назм айтурга тарғиб кўргузурлар эрди» деб ёзади.

«Маҷолисун нафоис»да улуғ мутафаккир бу тўғрида «Йигитликда зоҳир улумин касб қилиб эрди. Аммо фақр жониби қолиб эрди», деб ёзади. «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер»да ҳам уни «солиқи фоний ва гавҳари коний, орифи

захлик, қоши ҳам...» Аммо ринд нафсу ҳаводан, ўткинчи орзу-истаклардан узилган («замон яхши-ямони била иши йўқ»), кўнглини Ҳаққа, ҳақиқатга бурган олийжаноб ва олийҳиммат кишидир. Яъни «нафси гарчи туфроққа ҳамдаст, ҳиммати оллида фалак паст».

Бу фикр-туйғулар ринд поэтик образи ҳақида билдирилган, албатта. Аммо Алишер Навоий шеърятда ринд образининг реал, ҳаётий асоси, прототипи ҳам мавжуд. Бу Саййид Ҳасан Ардашердир. Чунки Навоий назарида Комил инсон ҳаёлий бир нарса эмас, балки реал ҳаётий одамлар, бироқ шуниси борки, бундай одам тарикат сулукини қабул қилган чинакам дарвеш бўлиши керак.

Башқача айтганда, идеал инсон – бу камида гўзал ахлоқли, зоҳирий ва ботиний илмларни эгаллаган фоний табиат фақир киши. Саййид Ҳасан бунинг намунаси ҳисобланган. Унга бағишланган

ТЕРАН ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР МУЖАССАМ

маоний» дея таърифлаган. Кўринадики, бу каби мулоҳазаларни соқийномадаги фикр-туйғулар ҳам тасдиқлайди. Яна ўша асарда ўқиймиз: «Алар тарик ва равиши бу фақирни андоқ шефта қилдиким, бир кун алар мулозаматга етмасам эрди, сабру тоқатим қолмас эрди: «Тавише бўлмашиш бўлғайким, буқун сендин хабар топа олмадук». Соқийномада бу ҳолат мана бу тарзда ифода этилган:

Мен анинг бандалиғига хурсанд, Ул дебон лек рафику фарзанд.

Шунингдек, ёдноманинг мазмунидаги асаридан шоир Саййид Ҳасан Ардашернинг ўзи учун устоз, маънавий йўлбошчи, ҳар томонлама ибрат бўла оладиган инсон эканлигини айтиди.

«Маҳбуб ул-қулуб»да ринд ҳақида шундай таъриф берилган: «Ринди ҳароботийки, май ичмак била ўтар авроту, ҳубобдек бода ҳавоси бошида, суруҳидек бош қўяр ери соғар қошида». Шу билан бирга, мутафаккир шоир ринднинг қиёфасини мана бундай чизади: «Расволик қўйида аёғи яланг, боши ҳам ва бадмастлар дастбурдин манғлайи

ёдномасида шоир Саййид Ҳасан Ардашернинг йигитлик чоғларида май базмлари туганлиги ва улгага ўзи бошчилик қилганлигини айтган. Бу мажлислар ярим тун, баъзан тонгга қадар давом этган. Шоирнинг мажлис иштирокчиларига нисбатан ширин сўзди, илтифотли, сертакаллуф, қўли очик ва катта-кичиқча бирдай муносабатда бўлганлигини ёзади.

Хуллас, Саййид Ҳасан Ардашернинг юксак инсоний фазилатлари, икки улуғ зотнинг дўстона муносабатлари мазкур жанр кўзгусида янада ёрқинроқ акс этади. Ўз навбатида, соқийномада айтилган фикрлар шоирнинг Саййид Ҳасан Ардашер ҳақида бошқа асарларида келтирилган барча мулоҳазаларини умумлаштиришда ҳамда қаҳрамон ҳақида ўқувчида яхлит тасаввур уйғотади. Соқийномадаги қарашлар илҳомли, соддалиги ва ҳаётийлиги билан ҳам эътиборга молик.

Максуд АСАДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти илмий ходими



Ота-боболаримиз касби барҳаёт

НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ — МУҲИМ ОМИЛ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети томонидан «Журналист кадрларни тайёрлашда назария ва амалиёт уйғунлиги» мавзусида анжуман ташкил этилди.

Таъқидлаш жоизки, бугунги кунда журналист кадрларни етиштириб беришда барча таълим муассасаларида назария ва амалиётни биргаликда олиб бориш масаласига бирламчи вазифа сифатида қаралмоқда. Республикадаги оммавий ахборот воситаларида етук журналист кадрларни етиштириб беришда таълим олий таълим муассасаси ҳисобланган Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети ҳам бу борада катта таъқидга эга. Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик томонидан ишлаб чиқилган «Талабалар учун ўқув-таннишув ва ишлаб чиқариш амалиёти тўғрисидаги Низом»га асосан факультет томонидан талабаларнинг ОАВДА амалиёт ўташлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Тадбир давомида журналистика факультети бакалаврият таълим йўналиши 4-курс талабалари республика, шаҳар, туман газета ва журналлари, давлат ва нодавлат теле-радиоканаллар, ташкилотларнинг жамоатчилик билан ишлаш бўлиmlари ва мавжуд электрон нашрларда ўтаган битирув олдидан амалиёт ҳисоботларини топширдилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҷлисида 2006 йил 7 августдаги «Оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Давлат дастури тўғрисида»ги қарори ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазириликнинг 1998 йил 30 октябрдаги 305-сонли буйруғида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида 2012 йил 3 сентябрдан 27 ок-

тябргача бўлган битирув олдидан амалиётда талабалар ўз ижодий маҳорати ва таърибасини оширдилар. Маълумотларга қараганда, талабаларнинг 31 нафари давлат ва нодавлат газеталарида, 7 нафари журналларда, 25 нафари Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва нодавлат телерадиоканалларида, 4 нафари эса давлат ташкилотларининг жамоатчилик билан ишлаш бўлиmlарида битирув олдидан амалиётини ўтаганлар. Энг қувонарлиқи шундаки, ўғил-қизларнинг 10 нафари UZ доменда рўйхатдан ўтган электрон нашрларда амалиёт ўтаганлиги интернет журналистиканинг ривожини ва амалиётга замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг кенг тартиб этилаётганлигиндан далолат беради.

Талабалар амалиётини давомида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маърифий мавзуларда ахборот, таҳлилий-публицистик, бадий-публицистик жанрларда материаллар чоп этиб, айнан шу мавзуларда радиоэшиттириш ва телекўрсатувларни эфирга узатишга эриша олмаганлар. Шунингдек, газета ва журналларнинг, радиоэшиттириш ва телекўрсатувларнинг бир нечта сонларини тайёрлаш ва эфирга узатишда фаол иштирок этиб, малакавий битирув иши мавзуси бўйича зарур материаллар тўплаган.

Уйлашмики, факультет томонидан назария ва амалиёт уйғунлигини бундай тўғри ташкил этилиши келажакда етук журналист кадрлар етиштиришга замин яратади.

Ҳабиба ЙҮЛДОШЕВА

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти ва туман бўлиmlари ҳисобига хайрия йиғиш ўн кунлиги бошланди.

МЕҲР-МУРУВВАТ ИШЛАРИГА АСОСИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАДИ

Меҳр-шафқат Қизил Ярим Ой жамияти фаолиятининг асосий йўналиши бўлиб, бунда аҳолининг кам даромадли қисмига, яққа-ёлғиз кексалар, ногиронлар, етим-есирларни тиббий-ижтимоий муҳофиза қилишга қаратилган ишлар амалга оширилади.

Ушбу йўналишдан ташқари аҳолини фавқулодда вазиятларга тайёр туришга ўқитиб ўргатиш, ёшлар билан ишлаш, инсонпарварлик ҳуқуқларини ёшлар орасида тарғиб қилиш, ёшларни, кўнглиларини жамият фаолиятига жалб қилиш, беғараз донорликни тарғиб қилиш жамиятнинг фаолият доирасига кирди.

2012 йилда ташкилотнинг янги лойиҳа асосида бошлаган йўналишларидан бири — беғараз донорлар сафини кенгайтириш ва ихтиёрий қон беришнинг соғлиққа безарар эканлигини тарғиб қилишдир. Бу борада шаҳримиздаги ўқув юртли билан тузилган қўшма шартномалар асосида жамиятнинг бошланғич ташкилотларини тузиш, талаба-ёшларни инсонпарварлик фаолиятига жалб этиш ишлари амалга оширилмоқда. Бундан ташқари улгага фавқулодда вазиятларга тайёрлик кўриш ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш кўникмалари ўргатилмоқда.

Жамиятнинг ўтган йилги фаолиятига назар ташлар эканмиз, кўзда тутилган ишларнинг қай даражада бажарилаётганлиги тўғрисидаги маълумотга эга бўламиз.

«Меҳр-шафқат» хизмати бу жамиятнинг асосий кенг қамровли йўналиши бўлиб, ўзгалар ёрдамига муҳтож бўлган яққа-ёлғиз ногирон қариялар, кам таъминланган кўп болали оилалар, ўзгалар қўлида тарбияланаётган етим болалар доимий равишда жамият тасаруфига олиниб, улгага тиббий ижтимоий ёрдам кўрсатилади. Шаҳар ҳудудида яшаш ётган яққа-ёлғиз қариялар, ногиронлар, кўп болали кам таъминланган оилаларга жамият қолғанда ташкил қилинган битта тиббий ижтимоий ёрдам кўрсатиш маркази ва 4 та туманларда фаолият юритаётган тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш хоналари ишини яхшилаш мақсадида 4 млн 500 минг сўм маблағ ажратилиб, дори-дармон, боғловчи ашёлар, бир мартаба ишлатилган шприцлар ҳамда қон босимини ўлчаш учун танометр ва фонендоскоплар харид қилинди.

2012 йилда меҳр-шафқат ҳамширалари ёлғиз қарияларнинг уйларига 15810 мартаба боришиб улгага 18555 мартаба тиббий, 7665 мартаба ижтимоий ёрдам кўрсатилди ҳамда дори-дармонлар билан таъминланди, 41 нафар қария шифохоналарда соғломлаштирилди. Иш давомида 2870 мартаба яққа-ёлғиз қариялар, ногиронлар, кам таъминланганлар, ёрдамга муҳтож оилаларга ҳамда бахтсиз ҳодиса, ёнғиндан зарар кўрган 9 та оиллага жамият ҳисобидан 38 млн 935 минг 600 сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Ташкилотнинг ёшлар билан ишлаш йўналиши бўйича ҳам ибратли ишлар амалга оширилди. Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий ривожланган авлодни шакллантириш юзасидан ҳамда «Мустаҳкам оила йили» муносабати билан оиланинг мазмуни ва моҳияти тўғрисида, аёллар

репродуктив саломатлиги ва контрацепция усуллари, фертил ёшдаги аёллар ўртасида репродуктив саломатлик, соғлом оилани шакллантириш, гиёҳвандлик XXI аср вабоси, тамаки маҳсулотларини организмга таъсири, унинг зарари ҳақида ҳамда балоғатга етмаган қизларни эрта турмушга бериш оқибатлари каби мавзуларда ўқрашув ва давра суҳбатлари ўтказилди.

Маҳаллаларда, олий ўқув юртлиларида, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда, мактабларда ОИТС бўйича 77 та, беғараз донорлик бўйича 48 та, сил касаллиги профилактикаси бўйича 46 та семинар ва суҳбатлар ўтказилди.

Ҳозирги кунда 16 та олий ўқув юртлилари, 48 фойз коллеж ва академик лицейларда Қизил Ярим Ой жамиятининг бошланғич ташкилотлари тузилган бўлиб талаба-ёшлар ўз ихтиёрлари билан жамият аъзоллигига қабул қилинмоқдалар.

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик билан тузилган ҳамкорлик шартномасига биноан ҳамкорликда ёшлар ўртасида инсонпарварлик ҳуқуқларини тарғиб қилиш беғараз донорликни ривожлантириш, ўқув муассасаларида жамият бошланғич ташкилотларини тузиш, кўнглиларини жамият сафига қабул қилиш ишларини ривожлантириш мақсадида шартнома имзоланган.

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти томонидан инсонпарварлик йўлида амалга оширилаётган ишлар кўп қирралидир. Шу ўринда бир савол турғилади. Жамият юқорида қайд этилган вазифаларни қайси маблағ эвазига амалга оширилади?

Маълумки, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти фаолиятини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар йили пойтахт ҳудудида Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти ҳисобига хайрия йиғиш ўн кунлиги ўтказилади.

Бу йил ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 майда «Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти тўғрисида»ги 411-сонли Фармони ижроси доирасида мазкур жамиятнинг Тошкент шаҳар ташкилотига Тошкент шаҳар ҳокимиятининг 2013 йил 29 январдаги 12-сонли фармойиши асосида 4 февралдан бошлаб хайрия ўн кунлигини ўтказиш бошланди. Хайрия акциясини ўтказиш бўйича ташкилий қўйма аъзолари белгилиниб, тадбирларни ташкил этиш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Бу йилги хайрия ўн кунлигини ўтказиш акциясида ҳам меҳр-муруватли корхона, ташкилотлар раҳбарлари фаол иштирок этиб, ўз маблағларини Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банк бош амалиёт бўлимининг қўйдаги ҳисоб рақамига ўтказишлари мумкинлигини билдирамиз.

ҲР: 20212000900126451001, МФО: 00407, ИНН: 200896573, ХТТУ: 98600

Маълумот учун телефонлар: 248-79-25, 248-24-94

«Камолот»

ЕТАКЧИЛАР УЧУН МАҲОРАТ МАКТАБИ

Шаҳримиздаги 278 - умумтаълим мактабидан «Камолот» ЁИХ Олмасор туман кенгаши томонидан «Ҳамкорлик мактаби-2013» мавзусида умумтаълим мактаблари етакчилари ва сардорлари учун ўқув семинари бўлиб ўтди.

Семинардан кўзланган асосий мақсад «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг халқ таълими муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари ҳамда «Камалак» болалар ташкилоти ишини такомиллаштириш, уларнинг таълим сифати юзасидан жамоатчилик назоратини олиб боришдаги ролини мустаҳкамлаш, бошланғич ташкилот етакчилари иш самарадорлиги ва мавқеини янада оширишдан иборатдир.

Тадбирда туманда жойлашган 32 та умумтаълим мактабларининг бош етакчилари ва сардорлари фаол иштирок этишди.

Иштирокчилар ҳаракатининг туман Кенгаши маъсул ходимлари томонидан тайёрланган дастур билан таништирилди ва янги тизим бўйича батафсил маълумот берилди. Шу билан бирга туман Кенгаши томонидан олиб борилаётган мониторинг натижалари маълум қилинди ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида ҳужжатларни юритиш, тадбир таҳлилларини олиб бориш бўйича алоҳида тушунтириш ишлари олиб борилди. Етакчилар ўзлари учун муҳим маълумотларга эга бўлдилар.

Бошланғич ташкилотларда «Камолот» сардорлари форуми ташкил этилиб, унда сардорлар «Обод турмуш йили»да амалга ошириладиган ишлар юзасидан қизгин баҳс юритдилар.

Ҳақима ЙҮЛЧИЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

қўйдаги бўш ўринларга

Танлов эълон қилади:

Кафедра мудирилари: Расм, Рангтасвир ва ҳайкалтарошлик, Қурилиш конструкциялари, Қурилиш материаллари ва кимё, Архитектура муҳитлари дизайни, Касбий педагогика.

Профессорлар: Архитектуравий лойиҳалаш, Архитектура тарихи ва назарияси, Бино ва иншоотлар қурилиши, Ўзбек ва хорижий тиллар.

Доцентлар: Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси, Архитектура муҳитлари дизайни, Шаҳар қурилиши ва ҳўжалиги, Қурилиш материаллари ва конструкциялари технологияси, Геодезия ва кадастр, Инженерлик коммуникацияларини қуриш, лойиҳалаш ва ишлатиш, Қурилиш материаллари ва кимё, Бино ва иншоотлар қурилиши, Гидротехника иншоотлари, замин ва пой-деворлар, Қурилиш технологияси ва ташкилиёти, Қурилиш механикаси ва иншоотлар зилзилабардошлиги, Қурилиш конструкциялари, Иқтисодиёт ва кўчмас мулкни бошқариш, Менежмент, Ўзбек ва хорижий тиллар.

Катта ўқитувчилар: Архитектуравий лойиҳалаш, Расм, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик, Жисмоний тарбия, Геодезия ва кадастр, Инженерлик коммуникацияларини қуриш, лойиҳалаш ва ишлатиш, Шаҳар қурилиши ва ҳўжалиги, Касбий педагогика, Гидротехника иншоотлари, замин ва пой-деворлар, Қурилиш технологияси ва ташкилиёти, Математика ва табиий фанлар, Иқтисодиёт ва кўчмас мулкни бошқариш, Фалсафа ва ижтимоий-сиёсий фанлар, Менежмент, Ўзбек ва хорижий тиллар.

Ассистентлар: Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси, Расм, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик, Архитектура муҳитлари дизайни, Геодезия ва кадастр, Шаҳар қурилиши ва ҳўжалиги, Қурилиш материаллари ва кимё, Математика ва табиий фанлар, Фалсафий ва ижтимоий-сиёсий фанлар, Ўзбек ва хорижий тиллар.

Кафедра мудирилари лавозими танловида фан докторлари, профессорлар ёки фан номзодлари, доцентлар иштирок этишлари мумкин.

Танлов мuddати — эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун. Танловда иштирок этишни хоҳловчилар Тошкент ш., Навоий кўчаси, 13, ходимлар иш юритиш бўлимига ёки Илмий котибга учрашишлари мумкин.

Мурожаат учун телефон: 244-18-78, факс 241-80-00.

Саноат корхонаси «Корхона бош энергетикнинг биринчи ўринбосари»

лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Давоғарга қўйиладиган талаблар: соҳа бўйича олий маълумот, муҳандис-техник ва раҳбарлик лавозимларида ишлаш бўйича — камида 5 йиллик тажрибага эга бўлиши, хавфсизлик бўйича руҳсат берилган гуруҳи — бешинчидан наст бўлмаслиги керак. Иш ҳақи — суҳбатлашиш якуни бўйича белгиланади.

Лавозим бўйича кўтарилиш истиқболлари мавжуд.

Шунингдек, корхонага юқори малакали электриклар ва КИПиА созловчилари ишга қабул қилинади.

Корхона хизмат транспорти, бепул овқат билан таъминлайди.

Иш ҳақи ўз вақтида тўланади. Чимёнда болалар соғломлаштириш оромгоҳи мавжуд.

Мулоқот учун телефонлар: 241-10-81, 929-55-97.

«КО'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси олиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдолари тақдир этилади!

Савдога Яққасарой туман СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент вилоят судининг 03.11. 2011 йилдаги 2-124/11-сонли ижро варақасига асосан, «Sheila Ram Textile Trading» ШКРа тегишли, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Сукрот кўчаси, 13-уйда жойлашган, умумий ер майдони 3781 кв бўлган 4 қаватли ертўлаи маъмурий бино ва иншоотлар такоран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 1 432 703 479.5 сўм.**

Савдо 2013 йил 26 февраль кўни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2013 йил 22 февраль кўни соат 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилиги бўлимининг вакили иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Ипак йўли банки» ОАИБ Сағбон ф-даги 2020800904920609114, МФО:01036, ИНН:201122519 хўрга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52, www.1kms.uz, Лицензия: RR-0001.

Тошкент Авиация институти томонидан 2005 йил 23 июлда Аҳмедов Зокиржон Шокирович номига берилган 144-ДН рўйхат рақамли, В№232850 сонли бакалавр дипломи иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛНАДИ**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1993 йил 22 октябрда 25/4-рақам билан рўйхатга олинган, Халқ банки Мирзо Улуғбек филиали Тошкент шаҳар Статистика бошқармасидан берилган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛНАДИ**

Тақдимот

КЎРГАЗМА НУФУЗИНИ ОШИРДИ

Миллий тасвирий санъатимизни жаҳон миқёсида кенг намоён этишда таниқли академик-рассомларимизнинг ҳиссалари катта. Бир ой давомида Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон Бадий академиясининг 15 йиллигига бағишланган кўргазмада академик-рассомлар асарлари кўргазмаси минглаб томошабинларнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди. Шу муносабат билан қисқа муддат ичида Бадий академия томонидан чоп этилган «Фикрлар парвози» номли махсус каталогнинг тақдимоти ушбу кўргазманинг нуфузини янада юқори кўтарди.

Тақдимот маросимида академик-рассомлар, таниқли маданият ва санъат арбоблари, ижодкор зиёлилар, олий ўқув юртлири талабалари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари йиғилишди. Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати ўқувчиларидан иборат дуторчи қизлар ансамбли ижросида ўзбек мумтоз куйларининг янграб туриши тadbирга кўтаринки кайфият бағишлади.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Бадий академияси раиси, Ўзбекистон халқ рассоми, академик Акмал Нуриддинов чоп этилган каталог албатта буюк устозларимизнинг асарларини кенг тарғиб этиб, ўз ҳаётини тасвирий санъат билан боглаган ёш ижодкорлар учун бебаҳо қўлланма бўлиб хизмат қилишини айтиб ўтди.

— Ўзбекистон Бадий академияси академиклари ижодларини кузатар эканмиз, ҳар бирининг индивидуал тарздаги ижодий ранг-баранглиklarини кўришимиз мумкин. Турли авлод вакиллари бўлишларига қарамасдан, уларни бирлаштириб туривчи омиллар мавжуд. Булар, юқори профессионализм,

санъатнинг миллий «гениологияси»га таяниш, бадий аъёнларни мохирона эгаллаш ва ўз услубини излаш, дунёқарашдаги Шарқ ва Ғарб уйғунлашуви, эътиборни инсонга қаратиш қабилардир. Энг асосийси, уларнинг ҳар бирида она диёри, тарихи, миллий маданияти, ўз халқига бўлган чексиз муҳаббати сезилиб туради. Бунинг аксини улар яратган асарларида яққол намоён эта олишган ва бу асарлар ўзбек миллий санъатининг олтин фондига айланган, — деб таъкидлади А.Нуриддинов.

Ўзбекистон Бадий академияси ташкил этилганлигининг 15 йиллигига бағишланган рассом-академикларнинг «Фикрлар парвози» кўргазмаси каталогининг тақдимоти миллий санъатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган, «Устоз-шогирд» аъёнлари бардавонлигини таъминла-

ган умуминсоний ва миллий кадриятларни уйғунлаштирган янги маданиятни шакллантириш жараёнининг ажралмас қисмига айланди дея таъкидлаб ўтишди.

Моҳира АДИЗОВА,
санъатшунос



Сарвар Урмонов (ЎзА) олган сурат

Тўрт йилча бурун Мирёқубнинг умуртқа поғонасида сколиоз хасталиги аломатлари сезилган эди. Кейинчалик унинг чап оёғи бир оз калталашиб, кўнгли ярим бўлиб қолди. Шифокорлар унга даволовчи жисмоний машғулотларни бажариш ва сузиш билан шугулланишни маслаҳат берди.

Мирёқуб пойтахтимиздаги «Саховат спорт сервис» очик акциядорлик жамиятининг сув спорти саройига қатнай бошлади. Уч йиллик мунтазам машғулотлардан сўнг саломатлиги анча яхшиланди, руҳи кўтарилди, ўзига ишончи ошди.

Бу йил Мирёқуб тўққиз ёшга тўлади. Яқинда у гуруҳлараро мусобақада биринчи ўринни эгаллади. Энди мамлакат чемпионатида голиб бўлишни кўзлаб турибди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар самарасида мамлакатимизда ана шундай соғлом ва иродали, ўз олдига улкан мақсадларни кўядиган қатъиятли авлод вояга етмоқда.

Бугун юртимизнинг барча худудидида бунёд этилган замонавий спорт мажмуалари болалар билан гавжум. Юнусобод туманидаги «Саховат спорт сервис» сув спорти саройи ҳам бир вақтнинг ўзида 50 кишига хизмат кўрсатмоқда.

Спорт саройидаги соғломлаштириш гуруҳларига болалар 6-7 ёшдан қабул қилинади. Машғулотлар малакали мураббий ва шифокорлар назорати остида ташкил этилади. Ҳозир ушбу гуруҳларда икки юз нафарга яқин ўғил-қиз шугулланмоқда. Ёзги таътил вақтида уларнинг сони бир неча баробар ошади. Уларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва

СПОРТ – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун барча шароит яратилган.

— Гуруҳимизда 7 нафар бола шугулланади, — дейди мураббий Шавкат Тожиев. — Машғулотлар яқка тартибда сузишни ўрганишдан бошланади. Сувга тушганда тўғри нафас олиш, махсус воситалар ёрдамида қўл ва оёқ ҳаракатларини тўғри бажариш орқали болада дастлабки кўникмалар шакллантирилади. Кейин эса болалар гуруҳларга бўлиниб, сузиш усулларини ўрганади. Машғулотлар болани зериктирмаслик ва толиқтирмаслик учун қатъий жадвал асосида қизиқарли тарзда олиб борилади.

Кенг сув ҳавзаси ва махсус бассейн сувни тозалаш, автоматик алмаштириш ва филтрлаш, мўътадил ҳароратни сақлаш воситалари билан таъминланган. Гимнастика ва тренажёр зали, тиббий хизмат кўрсатиш, кийим алмаштириш ва ювиниш хоналари тегишли инвентарлар билан жиҳозланган.

— Сузиш бола саломатлигини мустаҳкамлашда, унинг жисмонан кучли, қадди-қомати расо, баланд бўйли ва кенг елкали бўлиб ўсишида муҳим аҳамиятга эга, — дейди шифокор Наргиза Ахрорхўжаева. — Шунингдек, сув спорти болаларда кўп учрайдиган рахит, сколиоз ва це-

ребраль фалаж хасталикларининг олдини олиш ва асоратларини даволаш, танада қон айланиши ва мушаклар фаолиятини яхшилаш, асаб тизими, нафас йўллари касалликларини профилактика қилишга хизмат қилади. Сузиш билан шугулланиш боланинг суяк тўқималари ўсиши ва мустаҳкамланишига шароит яратиб, иммунитетини, уйку ва иштаха яхшиланиши, ортиқча вазндан халос бўлишида қўл келади.

— Кенжа ўғлим Абдулазиз тез-тез шамоллаб, ўзини ҳолсиз сезарди, — дейди юнусободлик Наргиза Хўшматова. — Шифокорлар тавсиясига кўра, ўғлимни сузиш тўғралиги бердик. Олти ойдан бери сузишга қатнашиб, саломатлиги анча мустаҳкамланди. Асаби ҳам, кайфияти ҳам жойида. Бундан жудаям хурсандман.

Дарҳақиқат, ота-оналар учун фарзандини соғлом кўришдан ортиқ бахт йўқ. Бугунги кунда юртимизда болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ана шу мақсадга хизмат қилмоқда. Замонавий спорт саройларида шугулланаётган ўғил-қизлар ҳеч қандам кам бўлмай камолга етмоқда.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА муҳбири

ётган моҳир рассомлар ижодини ўрганиш ва тарғиб этишда, улар яратган асарларнинг бир тўпламда нашр этилиши келажак авлод учун яратган маънавий мероси бугунги ва келажак ўртасида «кўприк» вазифасини ўтайди, — десак муболага бўлмайди.

Тақдимотда сўзга чиққан Ўзбекистон Бадий академияси раиси ўринбосари, Ўзбекистон халқ рассоми Ж.Миртожиев, фалсафа фанлари доктори, профессор Т.Маҳмудов, Ўзбекистон Бадий академияси Бош илмий котиби, профессор А.Мадраимов, академик-рассом, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби В.Бурмакинлар ўтган давр мобайнида Бадий академия тизимида амалга оширилган ишлар юқоридида айтилган фикрларнинг ёрқин исботи бўла олишини қайд этишди. Ўзбекистон Бадий академиясининг ташкил этилиши аввало

тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, шунингдек, бадий хунармандчиликка муносабатнинг тубдан ўзгаришига туртки берди. Бу соҳаларнинг халқ маънавияти, эстетик дидактика, ахлоқий қарашларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришдаги ўрни ва мавқеи ортди. Тасвирий санъат мамлакатда кечаётган умуминсоний ва миллий кадриятларни уйғунлаштирган янги маданиятни шакллантириш жараёнининг ажралмас қисмига айланди дея таъкидлаб ўтишди.

ган умуминсоний ва миллий кадриятларни уйғунлаштирган янги маданиятни шакллантириш жараёнининг ажралмас қисмига айланди дея таъкидлаб ўтишди.

Спорт янгиликлари

«БУНЁДКОР» ФУТБОЛЧИЛАРИ ТАЖРИБА АЛМАШИШАДИ

Европа клублар ассоциациясига 2008 йилда Швейцарияда асос солинган. Ҳозирги кунда Европанинг 50 та футбол федерациясидан 200 дан ортиқ клублар ушбу ташкилотга аъзо ҳисобланади.

Европа клублар ассоциацияси аъзолари сони кун сайин ортиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш даркор. Шуниси қувонарлики, Европа клублар ассоциациясидан «Бунёдкор» клубига таклиф келди. Унга кўра Европанинг ушбу нуфузли ташкилоти «Бунёдкор» клуби раҳбариятини Қатар пойтахти Доха шаҳрида ташкил этилиши кутилаётган навбатдаги ассамблеясига таклиф этган.

Бу сафарги тадбирга нафақат Европа клублари, балки бошқа қитъаларда ижобий натижа қайд этиб келаётган, муқаммал инфратузилмага эга бўлган профессионал ҳамда клубдаги иш сиёсати бўйича кўпчиликка ўрнак бўлаётган клублар таклиф этилган. Энди Осиё қитъасидан қатнашиши кутилаётган саккиз клуб қаторида «Бунёдкор» клуби вакиллари Европа клублар ассоциацияси фаолияти билан яқиндан танишишади, футбол ривожланган Европа клублари иш тажрибасини ўрганишади. Албатта ушбу тадбир Ўзбекистон Кубоги соҳиби бўлган «Бунёдкор» жамоасига тажриба мактаби вазифасини ўташи аниқ.


Туркияда ёз фаслида футбол бўйича ёшлар ўртасида уюштирилаётган навбатдаги жаҳон чемпионатида муваффақиятли қатнашишга аҳд қилган Аҳмадjon Мусаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг февраль, март, апрель ойларида хорижда йиғинлар ташкил этиш режаси аниқ бўлди.

ХОРИЖ САФАРИГА ТАРАДДУД КЎРИШМОҚДА

Дастлаб ёшлар терма жамоамиз 14-26 февраль кунлари жаҳон чемпионати бўлиб ўтаётган Туркияга сафар қилади. Қарий икки ҳафта мобайнида ёшлар терма жамоамиз ўқув-йиғин машғулотида иштирок этишади. 3-10 март кунлари Марокашда Аҳмадjon Мусаев шогирдлари ўқув-йиғин машғулотларини давом эттиришади.

Шунингдек, апрель ойининг иккинчи ярмида, аниқроғи 13-25 апрель кунлари Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Португалияга боради. Ёш футболчиларнинг руҳий, жисмоний тайёргарлигини синовдан ўтказиш мақсадида ташкил этилаётган ушбу машғулотлар доирасида бир неча назорат-ўрточлик учрашувларида ёшлар терма жамоамиз хориж клублари ҳамда ёшлар терма жамоаларига қарши майдонга тушишади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

Ўзаро ишонч асосига қурилмаган оила мустаҳкам бўлмайди.

Ақл берадиган кўп, ёрдам берадиган йўқ.

Орзу орзулигича қолса, кейинчалик унинг номи армон бўлади.

Бир томондан ютганлар иккинчи томондан албатта ютқизган бўлиб чиқадилар.

Такрорда ҳам такрор бор.

Ори баланд киши миннат юкини кўтаролмайди.

Айтгани бўлаверса, бола талтайиб кетади.

Ёлғон билан қурилган ҳаётнинг асоси бўш бўлади.

Кимни ўз гами қаритади, кимни бировники.

Одам боласи кўп нарсани орзу қилади-ю, оз нарсага эришади.

Жаҳолат дарахтининг меваси аччик бўлади.

Далил кўрсатишда ожиз одам қасамга зўр беради.

Китоб — ҳаёт кўзгуси.

Минг йиғи бир иш битирмас.

Ғафлат жаҳолатга етаклайди.

Душман доим пайт пойлайди.

Мардга гард юкмайди.

Гинадан адоват туғилади.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 7 февраль кунини ҳаво ўзгариб туради, ёлғончилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2 даража совуқ, кундузи — 11-13 даража илқ бўлади. Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 7 февралда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратилади. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фазга кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори наст бўлади.

Тошкент Оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65 факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамини» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 241

Душанба, сешанба, chorshanба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
13549 нускада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ